

## **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ: АНЬАНА, УРФОДАТ ВА МАРОСИМЛАР**

**РЕМЕСЛЕННОЕ ДЕЛО В ЮЖНОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ТРАДИЦИИ, ОБЫЧАИ И  
ОБРЯДЫ**  
**HANDICRAFT IN SOUTHERN UZBEKISTAN: TRADITIONS, CUSTOMS AND  
RITUALS**

**Саодат ДАВЛАТОВА**

### **Резюме**

Бу мақолада ўзбек миллий ҳунармандчилиги билан боғлиқ анъана, урфодат ва маросимларнинг Жанубий Ўзбекистонга хос локал ҳусусиятлари борасида ёритилади. Шунингдек, унда ҳунармандчилик бирлашмалари, уларда ҳунар турлари билан боғлиқ урфодат ва маросимларнинг аҳамияти, ўтказилиш тартиби, уларнинг иштирокчилари ҳақида батафсил ёритилади. Бундан ташқари, бошқа ҳалқлар ҳунармандчилиги ҳусусиятлари билан таққосланади.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Жанубий Ўзбекистон, Ўзбек Ҳунармандчилиги, Урфодат, Маросим, Анъана, Ҳунармандчилик Бирлашмалари, Уста, Шогирд, Белбоғ Ҷоғириш Маросими, Ҳунармандчилик Устахонаси, Бобо, Оқсоқол, Пир, Рисола Қоидалари, Ҳунармандчилик Турлари, Темирчилик, Саннонпазлик, Ҳунармандчилик Маҳсулотлари.

### **Резюме**

В статье освещены локальные особенности традиций, обычаев и обрядов, связанных с ремесленным делом в Южном Узбекистане. Также, в нем даются подробные сведения о ремесленных объединениях, значимости в них обычаев и обрядов, связанных с видами ремесла, порядков их проведения и об их участниках. Кроме того, обычаи и обряды, распространенные в южных регионах сопоставляются с традициями других народов.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, Южный Узбекистан, Ремесленное Дело Узбеков Обычай, Обряд, Традиция, Ремесленные Объединения, Мастер (Уста), Ученик (Шогирд), Обряд Привязывания Пояса (Кушака), Ремесленная Мастерская (Цех), Бобо, Оксокол, Духовный Наставник (Пир), Ремесленные Уставы (Рисоля), Виды Ремесла, Кузнецкое Ремесло, Саннонпазлик, Ремесленные Изделия.

### **Abstract**

The article is enlightened local peculiarities of traditions, customs and rituals related to handicraft business in Southern Uzbekistan. Also, it gives detailed information on craft associations, the significance of customs and rituals related to types of craft in them, the order of their conduct and their participants. In addition, customs and rituals were spread in the southern regions are compared with the traditions of other peoples.

**Key words:** Central Asia, Southern Uzbekistan, Uzbek Craftsmanship Custom, Ritual, Tradition, Craft Associations, Master (Usta), Pupil (Shogird), Rite Of Belt Binding (Kushak), Craft Workshop, Bobo, Oqsoqol, Spiritual Lord (Pir), Handicraft Statutes (Drawing), Types Of Crafts, Blacksmith's Craft, Sannopazlik, Handicrafts.

Марказий Осиё узоқ асрлар мобайнида ҳалқларнинг анъанавий ҳаёти ва урфодатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган.

Қолаверса, уста ҳунармандлар турли касбхунарларнинг бадиий ва техник усуллари, безаклари, анъаналарини яратиб, такомиллаштириб, уларни ўз шогирдларига етказишган.

Шунингдек, узоқ йиллар давомида шаклланган ва тараққиёт босқичларини бошидан кечирган ўзбек халқ ҳунармандчилигига уста-шогирд анъаналарини ўрганиш ҳамда бугунги кун замонавий ҳунармандчилигидаги кўринишлари билан солиштириш, қадимий анъаналарни модернизация қилишда ва ёш авлод онгиди миллий қадриятларга садоқат руҳини шакллантиришда, ўша анъаналарни қайта тиклаш, уларда касбий малака, маҳоратларни оширишда ҳам катта аҳамият касб этади. Айниқса, ҳунармандчиликнинг ривожланишида инсон омили муҳим бўлиб<sup>1</sup>, уста-шогирд муносабатлари эса алоҳида ўрин тутган.

Жумладан, ўзбек анъанавий ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири-маълум бир соҳа ҳунармандларининг муайян ижтимоий ташкилотга эга бўлишидадир. Бу ташкилотлар ўзига хос жамоатчилик анъаналарига таянган маҳсус уюшмаларга бириккан бўлиб, ҳунармандчилик техникаси ва ишлаб чиқариш характери билан боғлиқ равишда ўз ҳамкаслари манфаатини кўриқлаш мақсадида ташкил топган. Ўзбек ҳунарманд-усталари ўз уюшмаларига эга бўлиб, бу уюшмалар маҳаллий аҳоли орасида “касаба” деб аталган<sup>2</sup>. Касабалар ҳунармандчиликни ташкил этишда ўзига хос ички бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутган. Хоразмда касаба аъзолари “уллагарлар” дейилган<sup>3</sup>.

Қашқадарёда эса касабанинг ишлари билан шугулланувчи киши марказда бўлиб, у бобо, яъни катта бобо деб аталган<sup>4</sup>. Шахрисбз шаҳрида эса металга ишлов берувчиларнинг бошлиғи, яъни ғолиб нафақат Шахрисабзлик темирчиларнинг балки, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманлари ва бошқа дашт, чўл ва қишлоқлардагиларнинг ҳам бошлиғи саналган<sup>5</sup>. Катта бобо бир неча цехларнинг бошлиғи ҳисобланиб, уларни ҳаттоқи, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчи қулолларига ҳам бош бўлишгани ҳақида кекса ҳунармандлар эслашади<sup>6</sup>. Уларнинг айтишига қараганда, энг сўнгги кекса бобо Шахрисабзда яшаган. Уни юқоридаги шаҳарларнинг кулоллари сайлашган. Уни сайлашаётган пайтда цехда йигилганлар йигирмата лаълида - (бист лаъли) турли хил ширинликлар, тортиклар ва матолар олиб келишган<sup>7</sup>. Катта усталар бу поднослардаги ширинликлар билан оғалиқнинг олдига боришиб, унга катта бобони сайлашганликлари ҳақида ҳисобот берганлар. Оғалиқ уларни қабул қилган ва меҳмон қилиб сайланган бобога халат, чопон кийдирилган. Оғалиқ эса катта бобо сайлангани ҳақида амирга хат ёзган ёки шахсан етказган. Амир эса сайланган катта бобо учун у қайси ҳунармандчилик тури учун сайланган бўлса, унга маҳсус ёрлик юборган. Оғалиқ эса буни бобога етказган. Бобо цехлардаги барча ечилиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этган, бироқ катта усталарни жойларига тайинлаш учун эса доимо оғалиқ билан маслаҳатлашган. Оғалиқ (Шахрисабзда оғалиқ, Қаршида оғалуқ)лар ҳам ўз навбатида

<sup>1</sup> Тойнби А. Ж Постижение истории. – М., 1991. – С.247.

<sup>2</sup> Пещерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии.-М-Л.:АН СССР,1959. с.311

<sup>3</sup> Тураева С.Р. XУIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ҳунармандчилиги тарихи. Тарих фанлари ном. дараж. олиш учун ёзилаган дисс. - Тошкент, 2010. - 139-бет.

<sup>4</sup> Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX \ начале XX в. // КСИЭ. Вып.XXXIII. 1960. М., с.41.

<sup>5</sup> Ўша ерда.

<sup>6</sup> Дала ёзувлари. Шахрисабз тумани. 2010 йил.

<sup>7</sup> Бу ҳадя Ценкирнинг айтишича соврин деб аталган. J.Zenker. Dictionnaire turc-arab-person. Leipzig, 1886, p. 494.

сайланишган. Уларни халқнинг энг сара вакиллари сайлашганки, бу вакиллар ҳам халқнинг тарафдорларидан бўлиши керак эди. Ва улар ўз навбатида беклардан ҳеч қандай ёрдамсиз ўzlари амалга оширишган. Боболар қайсики қўплаб уста ва ишчилар, яъни *луччаконлар* – камбағаллар, қашшоқлар, бева-бечоралар бор цехларда юқори лавозимга эга бўлган.

Заргарликда боболар туманлардаги цехларнинг бошлиқларисиз сайланган ва уни қози калон(Бухоронинг олий суди)га тақдим этганлар. Қози калон қачонки амирдан шаҳодатнома олгандан кейин сайланган бобонинг номига ёрлиқ юборган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда бундай ҳунармандчилик уюшмалари X асрларда ёқ мавжуд бўлган экан<sup>8</sup>. Бундан ташкари, бундай касаба уюшмаларнинг пайдо бўлишига йирик ҳунарманд – савдогарлар ҳам сабаб бўлган.

Улар асосан четдан рақобатчининг пайдо бўлишини ҳоҳламаганлар, шу сабаб ҳунармандчилик уюшмаларида бир қанча уста-ҳунармандларга бош бўлиб маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Ҳунармандчилик устахоналари асосан маҳалла-гузарларда жойлашган бўлиб, ҳунармандларнинг ўzlари ҳам шу гузарларда яшашган<sup>9</sup>. Ҳатто, бозорда ёки савдо расталарида яқинроқ ерда жойлашган алоҳида дўкон ҳамда устахоналарига эга ҳунарманд уюшмалари ҳам мавжуд бўлган.

Маълумки, Марказий Осиёда ҳунармандчиликнинг турлари, хусусан *мато тўқии* (*тўқувчилик*), *каштачилик*, *зардўзлик*, *гиламдўзлик*, *бўёқчилик*, *мисгарлик*, *дегрезлик*, *темирчилик*, *заргарлик*, *кулолчилик*, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа бир қатор ҳунар турлари бўлганки, уларда моҳир ҳунарманд-усталарнинг эстетик диidi ва маҳорати акс этиб туради. Албатта, бу усталар узоқ ривожланиш ўйлини босиб ўтган бўлиб, уларда ўзига хос анъана ва ишлаб чиқариш усусларининг бетакрор услугуга эгалиги, буюм шакллари, безаклари билан ажраб турадиган ҳунармандчилик мактабларини вужудга келтирган. Шу боис ҳам йирик-йирик ҳунармандчилик марказлари ўртасида узлуксиз маданий алоқалар туфайли улар яратган асарларда ўзаро ўхшашлик ва яқинликлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Ҳунармандчилик уюшмалари қошида бобо ва оқсоқол турган бўлиб, бирлашма фаолияти маҳсус ҳужжат, рисола<sup>10</sup> асосида амалга оширилган. Рисолада соҳага оид аҳлоқий, хуқуқий ва ижтимоий нормалар шариат қонунларига асосланган ҳолда баён этилган. Жумладан, мазкур ҳужжатда технологик жараёнлар, маҳсулотларнинг турлари, сифати, меҳнат қуроллари ва ҳунармандчиликнинг ушбу соҳасига оид турли хил урф – одат ва маросимлар батафсил ёритилади. Рисолада баён этилган масалалардан ташқари, ривоят ва ибратли матнлардан ҳам шогирдларни тарбиялаш мақсадида фойдаланилган. Шунингдек, рисолада уста ва шогирд мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра уста ўз шогирдига шариат, тариқат илмидан сабоқ бериши, уни тарбиялаши, ўз ҳунарини пухта ўргатиши лозим бўлган бўлса, шогирд эса

<sup>8</sup> История народов Узбекистана.-Т., 1950.-Т.1.с.224

<sup>9</sup> Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар.Т.,1998.6.172

<sup>10</sup> Батафсил қаранг: Комаров П.А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости., Ташкент,1901,№45., Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников.Т.,1912.Его же. О ремесленных цехах Средней Азии и их статусах- рисола // Изв. Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып.III.Т.,1928.,С.354-357.; Сухарева О.А. Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока., М.,1984.,С.201-215 и др.

ўз мажбуриятига қўра устозини ҳурмат қилиши, унга самимий муносабатда бўлиши ва устанинг рухсатисиз устахонани тарк этмаслиги керак бўлган<sup>11</sup>.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ўлкамиз ҳудудида мавжуд бўлган барча хунармандчилик бирлашмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган урф-одат ва маросимларига эга бўлган. Бу бирлашмалар Фарбий Европа мамлакатларининг хунармандчилик бирлашмалари каби ягона мақсад яъни, хунармандлар манфаатларини ва уларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш йўли орқали ҳимоя этишдан иборат бўлган<sup>12</sup>.

Ўрта аср цехларида бундай фаолият асосан, аъзолар билан иқтисодий муносабатларда асосий роль ўйнайди. Жумладан, Ўрта Осиёга хос бўлган кўринишлар системали(тизимли) ёрдам тарзида цех хунармандларига хўжалик мақсадларда, уюштирилган жамоавий тарздаги ёрдамдир. Бирлашмаларда хунармандлар жамоавий тарзда битта ишлаб чиқаришга уюшган бўлиб, бу анъаналар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бирлашмалар асосан четдан у ёки бу ишлаб чиқариш учун ёрдам сўраши, битта турдаги икки хунарманднинг маҳсулот ишлаб чиқариши кўпайишига кўмаклашиш, маънавий баъзан ҳукукий жавобгарлик, эҳтиёткорлик билан буюртмани тез бажарилиши, ишлаб чиқариш ва хунармандлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни назорат қилишга ўхшаш масалаларни ҳам ҳал этган.

Хунармандчилик оқсоқоллари ва саркори ёки ишбошчилари, бугунги кунгача алоҳида хунармандлар гуруҳларида ҳам мавжуд бўлиб, битта умумий машғулот остида бирлашиб, маъмурий ташкилий ишларни бажарганлар. Қолаверса, ҳукумат бошқаруви ва хунармандлар орасидаги воситачи ҳисобланиб, баъзан "софдил даллол" сифатида уларнинг савдо ишларида ҳам иштирок этган<sup>13</sup>. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, оқсоқол цехнинг малакали ва "мўйсафид"ларидан бўлиб, шариат қоидалари, ўтмиш васиятларнинг ҳимоячиси ҳамдир. Шунингдек, Ўрта Осиё цехларида маҳсулот айирошлишни тартибга соладиган ва бу ҳаракатларни бирдек ушлайдиган, бир хил турдаги ва бир вақтда яратиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда цех аъзоларини тузиш ёки улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни сони, миқдорини чегаралайдиган иш юритувчи киши ҳам ҳисобланади.

Хунармандчиликка оид урф – одат ва маросимларнинг аксарияти, аждодлар култи билан боғлиқ ҳолатда бўлган. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар асосан усталар, ёлланма усталар ва шогирдлардан иборат бўлган. *Бобо* уюшма, яъни касаба бошлиғи бўлиб, обрўли хунармандлар ичидан сайланган ва аксарият ҳолларда умрини охиригача шу лавозимда турган<sup>14</sup>. Бобо лавозими асосан XIX – XX аср бошларигача сақланиб қолган.

Бошқа бир қатор хунармандчилик турлари , жумладан, темирчилик, дегрезлик, мисгарлик, ўймакорлик, кўнчилик ва бошқа касаба бошликлари оқсоқол ёки ғолиб деб

<sup>11</sup> Атаджанова Д. Рисола – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла // O’zbekiston tarixi.T.,2005.№2.C.82.

<sup>12</sup> Пешерова Е.М.О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.... С. 315.

<sup>13</sup> Бухоронинг Вобкент тумани оқсоқоли роли ҳақида қаранг. Современ. Кишлак Ср. Азии. В.ГУ стр. 141.

<sup>14</sup> Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки) Т.,1958.с.100-107.

ҳам номланган<sup>15</sup>. Ўрта Осиё хунармандчилик бирлашмаларига хос оқсоқол лавозими, Туркияning цех корпаратияларида "оға-уста"<sup>16</sup> номи билан юритилади.

Кулолчилик ҳамда тўқимачилик устахоналарида ҳам бобо, ҳам оқсоқол лавозими мавжуд бўлган бўлиб, иккаласи ҳам уста-хунармандлардан сайлаб қўйилган. Касабанинг ҳақиқий бошлиғи бобо бўлиб, оқсоқол унинг ёрдамчиси саналган. Бобо ёки оқсоқолни сайлашда уюшманинг барча аъзолари иштирок этишган. Оқсоқолликка тайинланувчи устанинг ёши аҳамият касб этмаган ва у умр бўйи шу лавозимда қолмаслиги ҳам мумкин бўлган. Оқсоқол уюшма аъзоларининг норозилиги билан лавозимидан четлаштирилиши ёки бобонинг ўлимидан кейин унинг ўрнига янгиси сайланиши ҳам мумкин бўлган. Жумладан, заргарларда уюшма бошлиқлари саркор деб номланган ва улар кўпинча сарой амалдорларидан бўлган<sup>17</sup>.

Маълумки, боболар уюшма аъзолари олдида ушбу хунармандчилик соҳаси пири номидан иш тутган. У бошлиқ сифатида шогирдларини усталикка қабул қилишда фотиҳа берган, устоз кўрмаган ҳар қандай шогирдни яъни уюшма устаси қилиб қабул қилиш ҳам фақат бобо томонидан ҳал этилган. Бундан ташқари, бобонинг қўл остида уюшманинг барча халифалари бириккан бўлиб, улар деярли бобонинг уйида яшашган. Шунингдек, бобо оқсоқол ва халифалар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳам ҳал қилган, ёрдамга муҳтоҷ ёки бемор халифалар бўлса, уларни қўллаб-кувватлаган. Баъзи бир боболар бой-бадавлат бўлиб, нафақат ўз уюшмаси балки бошқа хунармандчилик уюшмалари аъзолари томонидан катта ҳурматга сазовар бўлиб, ночор ахволда бўлган касаба бошлиқларига ёрдам берганлар. Ҳаттоқи, ишчи кучига муҳтоҷ бўлган уюшмаларга ишчилар жўнатилиб турилган. Баъзи ҳолларда боболар халфалар билан устахона бошлиқлари орасидаги келишмовчиликларни ҳам бартараф этишда ёрдам беришган. Бу муаммолар бобо пойкори\* орқали ҳал этилган. Пойкор бобонинг барча топшириқларини бажарган, яъни ёлланма ишчиларни ишдан бўшатган, уста керак бўлган устахоналарга ишчиларни ҳам жойлаштирган. Улар ўз хизмати учун келишаолмаётган ҳар иккала томондан икки танга-дан ундириб олишган. Вазият аниқланиб, келишмовчилик устахона бошлиғи заарига ҳал этилган, баъзида устахона бир неча кунга ёпиб ҳам қўйилган. Бобонинг қўл остида нафа-қат хунармандлар, балки савдогарлар ҳам бириккан. Масалан, тўқимачилик устахона-ларида матоларга берилган буюртмалар фақат бобо орқали ўтган. Юқори табақа вакил-лари ўз буюртмаларини боболарга етказган ва тайёр маҳсулот ҳам олдин унинг кўригидан ўтиб, буюртмачига етказиб берилган.

Оқсоқоллар уюшма назоратидан ташқари, бозор билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланганлар. Улар маҳсулот сифатини назорат қилган, ҳамда ушбу маҳсулот сифатига яраша сотилишини таъминлаган. Улар иштироқида алоҳида усталар билан буюртмага оғзаки шартномалар тузилган. Ўз хизмати учун оқсоқоллар йилига тўрт марта бир бозор кунининг бутун фойдаси ҳисобига хақ олган. Алоҳида олинган бундай кунларда даромаддан кимдир ўмарид кетмаслиги учун қаттиқ назорат қилинган. Кейинчалик йирик шаҳарларда бобо бошқаруви йўқолиб, уларнинг ўрнини оқсоқол ва голиблар эгаллаган<sup>18</sup>. Чеккароқ ўлкаларда бобо лавозими касаба бошлиғи, пирлар

<sup>15</sup> Пешерова Е.М. кўрсатилган асар....316-бет.

<sup>16</sup> Гарбузова В.С. Эвлия Челеби о стамбульских ювелирах ХУІІ в // Труды отдела истории культуры и искусства Востака. Т. III. - Л., 1940. - С. 314-324.

<sup>17</sup> Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX- начала XX века.-Т.,1962.с.54 \* Пойкор-бобонинг хизматида бўлган юқори табақа ахлидан тайинланган ўш хизматчи ҳисобланган.

<sup>18</sup> Пешерева Е.М. кўрсатилган асар...с.317.

ўринбосарлари сифатида уюшмалар қанча фаолият кўрсатган бўлса шунча вақт мавжуд бўлган.

Ўлкада мавжуд хунармандчилик турларининг бошқарув тартиби жамият бошқарувининг маълум бир соҳадаги содда идора қилиш усулига асосланган бўлиб, у аср-лар давомида такомиллашиб давр руҳига мослашиб борган. Рус босқини натижасида ўлка-га капиталистик муносабатларининг кириб келиши, хунармандчилик корхоналарининг йириклишви, товарпул муносабатларининг аҳоли ҳаётида катта ўрин эгаллаши хунар-мандларнинг идора усулини маълум бир ўзгаришларга олиб келган. Ўз навбатида, шу вақтгача амал қилиб келган бобо ва оқсоқол хизматига бўлган эҳтиёжнинг камайиб бори-ши, шогирдларга хунар ўргатиш учун маълум миқдорда ҳақ олина бошланиши, усталар-нинг кўплаб масалаларни шаҳар, уезд маъмурияти билан якка тартибда ҳал қилишга одатланиши юқоридаги талаблар астасекин издан чиқишига сабаб бўлди. Аммо шунга қарамасдан, хунармандларнинг ўзиниўзи бошқариш тартиби ўлканинг сиёсийиқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди ҳамда хунармандчилик соҳаларининг сақланиб қолиши ва бизгача етиб келишида муҳим аҳамият касб этди.

Хунармандчилик уюшмалари уюшма бошида бобо (кулолчилик, тўқимачилик, нонвойчилик, отбокарларда), оқсоқол ёки ғолиб (темирчилик, дурадгорлик, кўнчилик ва бошқаларда), устакор яъни устахона эгаси ва унинг фарзандлари, қариндош-урӯғлари, кейин халфалар, шогирдлар тартибдаги хунармандлар гуруҳидан ташкил топган. Четдан келган ёлланма ишчилар *халфа* деб номланган. Уларнинг шогирдлардан фарқи шундаки, халфалар асосан шогирдликдан юқори даражага кўтарилган уста хунармандлар бўлиб, ўзларининг устахоналарига эга бўлмаганликлари учун хунармандчилик уюшмаларида ёлланиб ишлаганлар(улар деярли ўз усталари қўлида меҳнат қилган<sup>19</sup>) ва иш ҳақи олишган. Унинг шогирддан фарқи шундаки, у анча эркин бўлган, иккинчидан, уста билан келишувга мувофиқ иш ҳақи олган. Халфа истаган пайтида ўз устасидан кетиб ишлаши ва бошқа устага ёлланиши мумкин эди.

Пешерова Е.М.<sup>20</sup> манбаларни таҳлил этар экан, бир қатор тадқиқотчиларнинг *халфа* терминига изоҳига кўшилмайди Унингча, халфа бу бир неча олимларнинг фикрича шогирд эмас, балки бошқалардан фарқли ўлароқ, ёлланма ишчидир. Яъни, у келишилган иш ҳақи эвазига ёлланиб ишлайдиган ишчи ҳисобланади.

Корхона бошлиғи уста деб юритилиб, унинг қўл остида бир неча халфа, яъни ёрдамчи ва шогирдлар касб – хунар ўрганар ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарар эдилар<sup>21</sup>. Одатда, шогирдлардан ёрдамчи ишчи кучи сифатида корхонадан таш-қари, уй хўжалигига ҳам кенг фойдаланиларди. Малакали усталар ҳар кимни шогирд қи-либ олавермас ёки шогирдликдан халифаликка кўтармас эдилар. Масалан, ўша даврнинг таниқли ҳаттотлари ёки наққошларига, заргару зардўзларига, фақат бой хонадонларнинг фарзандларигина шогирд бўла оларди. Шу боис ҳам хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақаси гуруҳига мансуб кишилар эдилар.

Хунармандчилик уюшмаларида касаба уйи-такия мавжуд бўлиб, у қўллаб-қувват-лаш, таянч, бошпана, дам олиш жойи деган маъноларни англатган. Такия одатда, кўпгина ёлланма ишчиларга эга бўлган уюшмаларда мавжуд бўлган. У уюшма аъзолари томонидан йигилган пул ҳисобига қурилиб, яшаш хонаси – ҳужралардан ва чойхонадан

<sup>19</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани. 2009 йил.

<sup>20</sup> Пешерова Е.М. Из истории цеховых организаций в Средней Азии... С. 34-35.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси .Энциклопедия.Т.,1997.Б.138.

иборат бўлган. Унда вақтингчалик бошпаналар ҳам мавжуд бўлиб, шаҳарга иш излаб келган ёл-ланма усталар яшаганлар. Юқори малакали усталар тақияда яшамаганлар, улар ишлатиш-га олиб келган уста уйидаги яшаган. Тақия шунингдек, уюшма клуби вазифасини бажариб, у ерда ишчилар ва ҳунармандлар ҳордиқ чиқаргандлар<sup>22</sup>.

Ўрта Осиёning барча шаҳарларидағи каби Бухорода ҳам халфаларга бўнак – пиндисиз қарз бериш удуми мавжуд бўлган. Қарздор халфа бошқа устахонага ўтиши таъқиқланган ва фақатгина бошқа устахона эгаси унинг қарзини узиб, ўзига ўтказиши мумкин бўлган. Бўнак асосан кўп сонли ёлланма ишчи кучи керак бўлган уюшмаларда, асосан этикдўзлар, тўқимачилик устахоналарида ва қисман кулолчиликда мавжуд бўлган. Бу анъана мисгарлар, заргарлар ва зардўзларда учрамаган, чунки уларда халфалар деярли бўлмаган. Мисгарлар шогирдларини маълум даражада касбга ўргатганларидан сўнг, усталикка фотиҳа бериб, уларга устахоналар очишга кўмаклашганлар ёки ўз устахонала-рида уста билан бир қаторда ишлашларига руҳсат берганлар<sup>23</sup>.

Хунармандчилик уюшмалари аъзоларининг қуий табакаси вакили шогирдлар бўлган. Шогирдлар четдан устага ёшлигидан ҳунар ўрганиш учун ёлланиб, 5-15 йил давомида ёрдамчи ишларни бажариб туришга мажбур бўлган. Улар иш хақи олиш хуқуқига эга бўлмаганлар ва асосан қора ишларни бажарганлар. Уларнинг маълум иш вақти белгиланмай, тонг отгандан кун ботгунгача давом этган<sup>24</sup>. Заргарлар ва зардўз уста-лар четдан жуда кам ҳолларда шогирдликка олинган. Бу ҳунармандчилик турларида асосан касб-хунарни мерос қолдириш удуми мавжуд бўлиб, деярли барча заргар ва зар-дўзлар устазодалар бўлган. XUI асрда шогирдликка олиш тўғрисидаги шартномалар ёзма тузилганлиги ва шогирдлик муддати қисқароқ (5 йил муддатгача) тузилганлиги хақида маълумотлар мавжуд<sup>25</sup>.

XIX-XX аср бошларида эса заргарликда ҳам четдан олинган шогирдлари мавжуд бўлгани, ҳунар ўрганиш муддати эса 10 йилдан 15 йилгача чўзилган ва ёзма хужжатлар имзоланмагани борасидаги маълумотлар адабиётларда учрайди<sup>26</sup>.

XX аср бошларида шогирдларнинг аҳволи анча яхшиланган бўлиб, ҳунармандчилик корхоналарида ишлаётган 17 ёшгача бўлган шогирдлар умумий овқатланиш вақтидан ташқари 3 соат мактабда ўқиб келишга хақли бўлган<sup>27</sup>. Шогирд йиллар давомида ҳунар ўрганиб, маълум даражага эришгандан кейин уста унга усталик учун фотиҳа ва ўргангандаги қараб унинг қўлига иш қуроли ҳамда бир марта бирор буюмни ишлаб чиқаришга етадиган хом-ашё берган . Шогирдлар устазода бўлса, фотиҳа олгандан кейин устози ёнида ёки бирор бир устахонасида келишув асосида ёлланиб ишлаган<sup>28</sup>.

<sup>22</sup> Пешерева Е.М. кўрсатилган асар..с.327

<sup>23</sup> Пешерева Е.М. кўрсатилган асар..с.321

<sup>24</sup> Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XIX веке.-Т.,- с.154-157.

<sup>25</sup> Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XY-XYIв.-Т.:Фан, 1985. с.81

<sup>26</sup> Сухарева О.А. Кўрсатилган асар.с.161; Гулямов Я.Г. Из истории организации ремесла в Ферганской долине....с.29

<sup>27</sup> Ўз.Р.МДА.Фонд И-1.опись-12. Дело-1775.

<sup>28</sup> Пешерева Е.М.О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.Краткое сообщения инс.этнологии.- М - Л.,1960.- Вып. XXXIII. с.311-317.

Ўзбек хунармандчилиги билан боғлик анъана, урфодат ва маросимлар алоҳида локал аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Ўзбекистон жанубий худудлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) да ҳар бир хунарманд усталар сафига кириши учун ўз ўрнида анъаналарга мувофиқ, аввал шогирдлик курсини ўташи керак бўлган. Бунинг учун, у ўз устозидан "фотиха" олиши керак, иккинчидан эса урф-одатни бажариши керак, яъни "арвоҳи-пир маросимини"<sup>29</sup> ўтказиб, хунармандлар биродарларига тортиқлар улашиши, ўтган хунар пирлари ҳақига дуо қилиш, катта усталарга совғалар тортиқ қилиш, учинчидан белбоғ боғлаш маросимидан ҳар бир уста ўтиши шарт бўлган. Бу "камарбанд" ва миён-банд" акти ҳисобланади<sup>30</sup>.

Хунарманд-уста учун бу уч шарт ниҳоятда муҳим бўлган. Кўпгина хунармандчи-лик анъаналари, хусусан устозга миннатдорчилик билдириш, ундан дуо олиш анъанаси хунармандчилик рисолаларида сақланиб қолган "камарбанд", "камарбаста" (камар боғлаш ва камар олиш) тартиб қоидалари билан боғлиқдир<sup>31</sup>. Асосан, "камарбаста" термини маълум касб сирларини эгаллаган хунармандларга нисбатан ишлатилган. Афсуски, эндиликда бу одатларнинг аксарияти унутилиб кетган.

Бухорода ўз анъаналарини сақлаб қолиш кўпроқ металлга ишлов берувчиларда- (темирчилар, мисгарлар, чўян қуювчилар), тўкувчилар ва этикдўзларда сақланиб қолган<sup>32</sup>. Масалан, кўнчилар ва этикчилар ҳам ўз анъаналарига кўра уста-шогирд муносабатларига амал қилиб, ўз ишини бошлаш ва устахона очиш, мустақил пул топиши учун устозидан "фотиха" олган. Бундан ташқари, уларда ҳамон йилда бир марта умумий йигилиш "анжу-манлар" ўтказиб турилган. Бундай анжуманларда ҳам янги усталарнинг қўшилиши, "арвоҳи пир" маросимини ўтказилиши, пирларга атаб худойи қилиш, уларга атаб тортиқ-лар пишириш, кекса ва ҳурматли усталарга чопон, тўн ва ҳалатлар кийдириш биргина "белбоғ боғлаш" маросимининг ўзини сақланиб қолганлигини ҳозиргача ҳам кўриш мумкин. Замонавий усталарнинг ҳақиқий уста номини олиши учун аввало бу маросимни ўтказиши керак бўлган.

Таъкидлаш жоизки, уста агар хунарманднинг бирон-бир аждоди ёки уруғидан уста хунарманд бўлса, бу маросим ўтказилган. Агар шогирд устанинг ўғли ёки қариндоши бўлса, унинг фақат фотиха олиши етарли ҳисобланган. Бундай пайтда уста обрўли усталарни таклиф қилиб, устахонанинг ўзида зиёфат уюштирган ва шогирдини ишини намойиш этиб, дуо қилиб, унга мустақил ишлашга руҳсат берган<sup>33</sup>.

Ўзбек хунармандчилигига оид урф-одат ва маросимларнинг аксарияти аждодлар культи билан боғлиқ ҳолатда бўлган. Ушбу ҳолат айниқса, уста томонидан ўз шогирдига

<sup>29</sup> Грузин цехларида бу маросим "худо оши" ёки "худо учун ош пишириш" деб аталади.// Соврем. Кишлак...с. 140-144.

<sup>30</sup> ("опаясанию поясом и перевезке им своей поясницы"). Бугунги кунда "белбоғ боғлаш" ишга қадам кўйиш бўлиб, бу икки жараён устага бағишлиланган маросим ҳисобланади. Тўкувчилик рисоласига кўра, пайғамбар Сиф(билияга кўра) 21 ёшида устозига белбоғ боғлаган, 40 ёшида унга шогирди белбоғ боғлаган. Бу "усталик белбоги" баҳрама матосидан қилинган. Қаранг: Пещерева Е.М. О ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX - начале XX в...С.39.

<sup>31</sup> Атаджанова Д. Ремесленный обряд «камар басте»(посвящение ученика в мастера)в Средней Азии. / San'at. 2009. №1. С.2.

<sup>32</sup> Современный кишлак Средней Азии. Вып. IУ. Вобкентская волость. Т., 1926. Стр. 140-141.

<sup>33</sup> Сванидзе А.А. Ремесло и ремесленники средневековой Швеции (XIY-XV вв.). Москва, 1967. С. 244-246.; Он же. Наёмный труд и трудовая этика в ремесленных цехах Швеции: уставные принципы. / Город в средневековой цивилизации Западной Европы. Т. 2. Жизнь города и деятельность горожан. М., 1999. С. 1-20.

фотиха бериш маросимида, аждодлар рухига миннатдорчилик билдириш күринишида содир бўлади. Шунингдек, анъанавий хунармандчиликнинг ҳар бир соҳасида хунарнинг муқаддас ҳисобланиши ва авлоддан-авлодга ўтиб келиши маросимини ҳам аждодлар культи билан боғлаш мумкин. Рус тадқиқотчиси А.Кун томонидан XIX асрнинг ўрталарида Хоразмда ота вафотидан сўнг, хунар катта ўғилга ўтиши маросими мавжуд бўлганлиги келтирилиб ўтилади<sup>34</sup>. Ҳар бир хунарманд уста ўз касбининг нозик сирларини биринчи навбатда ўз ўғлига ўргатиб келган, яъни хунар билан боғлиқ сирларни оиласдан ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилинган. Бу одат, асосан темирчиларда кўпроқ учрай-ди.

Усталар сулоласига мансуб шогирд усталикка тавсия қилиш маросимидан ўтиши шарт эмас. Чunksи, темирчилар фарзандларига ўз хунарларини болалиқдан ўргатишган ва 15 ёшга тўлганларида катта усталар билан ёнмаён ишлашган<sup>35</sup>. Европанинг баъзи давлатларида ҳам устанинг шогирдлари асосан унинг оила аъзоларидан бўлган<sup>36</sup>. Устанинг қариндошлари ҳам устахонага шогирд тушишда алоҳида имтиёзга эга бўлишган. Устанинг хотини ва болалари фақат шогирдлик даврини ўтаса шунинг ўзи етарли бўлган. Улар пул тўлашмаган, зиёфат беришмаган ва устахона асбоблари ва ускуналари уларга мерос қолдирилган. Устанинг беваси эса устахонага эгалик ҳам қилолган ва эрини ишини давом эттириш ҳуқуқини ҳам олган<sup>37</sup>. Бундан ташқари, Хивада бу маросимни ўтказишда уста ва шогирд ўртасида розиризолик ҳам сўралади ва маросим якунида шогирд ўз устозига чопон кийдириб, калантар (Хивада устахона бошлиғи) га кўйлак тортиқ қиласди<sup>38</sup>. Этиқдўзлар устахонасида ўтказиладиган камарбаста маросимигача шогирд ишлаган маҳсулот бозорга чиқарилиб, маҳсулот устанинг қайси шогирди томонидан тайёрланганлиги айтилган. Агар маҳсулот сифатсиз бўлса, калантар шогирдини бозордан қувиб юборган ва маҳсулот йиртиб ташланган.

Қашқадарёнинг Қарши ва Шахрисабз шаҳрида металлга ишлов берувчилар Бобога атаб доимо маълум бир даврда маросим худойи *саннонгарлик*\ *саннонпазлик* ўтказиб туришган. Бу худойи маросими 2-3 йилда бир марта қилиниб, унда асосан хунармандларнинг жамоавий ишлари, уларнинг хунар пирлари раҳномалиги остида қандай кечётганлиги борасидаги масалалар кўрилган. Саннонпазлик маросимида Куръондан ва хунармандчилик низоми Рисоладан парчалар ўқилган, кимдир яна қўй ва эчки олиб келиб курбонлик ҳам қилишган<sup>39</sup>.

Саннонпазлик бу арвоҳи пир маросимининг ўзгинаси бўлиб, бу маросимга барча металлга ишлов берувчилар, яъни темирчилар, мисгарлар, заргарлар ҳам таклиф этилган. Маросимни салқин ва сўлим жойларда, баъзан металлчи усталарнинг кўргонлари ёки мачит ҳовлиларида ҳам ўтказилган. Худойи маросими тайин қилинган кунда барча таклиф қилинганлар ташриф буюришган, кимгадир темир-терсаклар, кўмир ва бошқа маҳсулотлар керак бўлса, маросим куни тортиқлар ва пишириқлар билан бирга етказиб берилган. Бундан ташқари, оқсоқолга барча умумий ҳаражатлар учун бир қисм пул ҳам берилган. Келган одамлар юқорида ўтирган хурматли имом,

<sup>34</sup> Кун А. Поездка по Хивинскому Ханству в 1873 г. ИРГО. Т.Х, вып. I. 1874. С.57.

<sup>35</sup> Атаджанова Д. Ремесленный обряд «камар басте»(посвящение ученика в мастера)в Средней Азии....С.2.

<sup>36</sup> Anton Spiesz. Statuty Bratislavskych cechov. Dokumenty. Bratislava. Obzor, 1978. P. 508.

<sup>37</sup> Сванидзе А.А. Ремесло и ремесленники средневековой Швеции (XIY-XV вв.)...С. 244-246.

<sup>38</sup> Джаббаров И.М. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. III. Ленинград. 1971, С. 131-132.

<sup>39</sup> Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX в....С.43.; Муаллиф қайди. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри. 2009 йил.

бобо, оқсоқол ва катта усталар билан саломлашишган. Ҳамма йиғилгандан кейин Қуръон ўқилиб, рисола ва хунар пирлариға сажда қилинган. Кейин устхоналарни таъмирлаш бошланиб, бу бир неча кун давом этган. Ҳар куни катта қозонда овқат қилинган ва барча хунармандчиликка алоқадор кишилар келишган, таом ейишгани учун бу маросимни оши худойи - қурбонлик оши деб аташган. Буни амалга ошириш учун 20 яқин киши иштирок қилган. Бу худойини эңг яхши уста хунармандлар амалга оширишиб, саннonganлик, худди байрамга ўхшаб ўтказилган. Иш охирида Қуръондан суралар ўқилиб, оқсоқол барча ишчиларга бир неча кун ўз иш жойларида ишламаганларды учун иш хақи тарзидеп тарқатган. Катта усталарга ишлеш бепул бўлган, чунки қилинган бу худойи барча ўтган уста-хунармандлар руҳига аталган.

Бундай усталикка ўтиш маросими ёкут темирчиларида ҳам бўлиб, темирчи бўлишни ҳоҳлаган одам зарур асбобларни сотиб олиб ишни бошлайверган<sup>40</sup>. Агар унинг ҳақиқий темирчи бўлиб етишиши устахонасида болғаларнинг тақиллаши ва босқоннинг овози эшитилган. Бу эса темирчилик устахонаси ўз устасига эга бўлганлиги билдирган. Кулолчиликда бу маросим сал бошқача ўтказилган. Яъни, уста кулол шогирди тайёрлаган маҳсулотни сотган ва тушган пулни камар баста маросими учун йиғиб қўйган. Умумий зиёфатдан сўнг усталикка номзод катта усталар қаршисида турган. У устахона рисоласини овоз чиқариб ўқигач, устахона бошлиғи номзодга белбоғ бойлаган. Сўнгра уста шогирдига кулолчилик асбобини совға қилиб, унга оқ фотиха берган. Шундан кейин уста ва шогирд устахона бошлиғи ва йиғилган кекса хунармандларга чопон ҳадя қилган<sup>41</sup>.

Туркияда ҳам шогирдни усталикка ўтказиш маросими мавжуд<sup>42</sup>. Унда шогирдлар етакчиси (Туркияда жўрабоши ҳисобланади) устахона аъзоларини тўплаб, “уч ҳошияли қизил энтари” кийган шогирдлар қатор ўтиришади ва маросимни очиш учун шайх оятлардан ўқиёди. Шогирдлар маросимгача калима келтиришиб, жўрабоши уларга белбоғ боғлаб қўяди<sup>43</sup>. Бу маросимда уста ва шогирдлар ўртасида саволжавоблар ўтказилиб, шогирдинг усталик мақомига қабул қилинганлиги эълон қилинади. Тадбир устозга совғалар ином қилиш ва зиёфат билан якунланади.

Афғонистоннинг Тошқўрғонида эндиликда усталик маросими йўқ қилинган экан<sup>44</sup>. Қашқадарё воҳасида хунармандчилик доирасида ва деҳқончилик соҳасида *кайвони* деган атама ҳам учрайди. Бу атама тоғли тожиклар орасида катта оиласардан тайинланган аёл киши бўлиб барча аёлларга ишни таъминлаб берувчи бўлган<sup>45</sup>. Кайвони катта хурматга лойиқ киши бўлиб, барча оиласи маросимларни ўтказишда маслаҳат берган. Бухоронинг текисликларида яшовчи тожикларида эса кайвони оиласаги барча дағн маросимлари ва байрамларни ўтказишда иштирок этиб,

<sup>40</sup> Докторов П.И. Ремесло и кустарное производство якутов (История и современность). Якутск: Якутский государственный университет, 1999. С. 49-51.

<sup>41</sup> Пещерева Е.М. Городское гончарное производство Средней Азии. Москва – Ленинград., 1959. С. 312-314.

<sup>42</sup> Гордлевский В.А. Из жизни цехов в Турции. К истории Ахи // Азиатский музей. Записки коллегии востоковедов. Т.II. вып. 2. Ленинград, 1927. С. 239-243.; Он же. О футуввет-номе(справка) / Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы. Москва, 1960. С. 307-318.; Куравлев В.П. К организации ремесленных цехов в Турции // Социальная история народов Азии. Москва, 1975. С. 260-269.

<sup>43</sup> Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, 1991. С. 231, 246

<sup>44</sup> Centlivres-demont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman. Sous la direction de Nicole grandin et Mart Caborieau. Paris, 1997. 84-88.

<sup>45</sup> Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX в....С.44.; Муаллиф қайди. Қашқадарё вилояти. Яккабоғ шаҳри. 2010 йил.

мехмонларга совға беришда ва егуликларни тортишда маслаҳат берган. Бу мансаб ҳам баъзан оиласаги ва қишлоқдаги аёллар, қизлар ўртасида сайланган. Кайвони Фарғона водийисида *ходим*, Тошкентда эса *дастурхончи* деб аталган.

Қашқадарё вилоятининг турктили аҳолиси орасида кайвони атамаси аёлларга нисбатан эмас, балки тожик оқсоқчлари ва турк оқсоқоллари билан тенгликда бўлган шунчаки катта ёшдаги эркаклар қишлоқ ва маҳаллалардаги хунармандчилик цехлари масалалари билан мурожаат қилувчилар номланган. Бу атама бошқа ҳеч қаерда, қолаверса Ўрта Осиё хунармандчилиги соҳасида умуман учрамайди, фақатгина А.М.Беленицкий томонидан топилган Самарқанднинг ўрта асрларга оид қозилик хужжатлари орасида *коргар* термини учрайди<sup>46</sup>. Унинг “Самарқанднинг ХУ-ХҮ асрлардаги хунармандчилик ташкилотлари” мақоласида: “Хунармандчилик ишлаб чиқаришида уста асосий бошчи - устахона хўжайини ва шогирд ўқувчи ҳисобланган. Демак бундан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик устазодани билмаган, худди ўрта аср европаликларида гидек характерда бўлган. Уста ва шогирдлар қаторида коргар-ишли номи ҳам келтирилиб, уни аниқлаш жуда мушкулдир”<sup>47</sup>.

Беленецкий Ўрта Осиё цехларида шогирд шахсини билишмаган, фақатгина Ғарбий Европанига ўхшаш тарзда бўлган дейди. Бизнингча бу мутлоқа нотўғри фикр, чунки қа-димдан Ўрта Осиёда ҳар бир хунармандчилик соҳасининг уста-шогирд анъанаси бўлган. Эҳтимол, унинг кузатишича, бу кўриниш бошқача номланган ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам ўзбек миллий хунармандчилиги бу нарсани инкор этмайди. Балки, бу ёлланиб ишлайдиган ишчи *халфаҳунарман* ҳам бўлиши ҳам мумкин. (С.Д.) Қолаверса, ҳеч бир хунар уста-шогирд анъанасисиз давом этмайди. Буни хунармандчилик Рисолалари ҳам исботлайди.

Е.М.Пешеванинг маълумотларига кўра, у *коргар* атамасини қаршилик кўнчилардан эшитган, ва бу сўз хунармандчилик ишлаб чиқаришида ёлланиб ишлайдиган *халфалардан* бўлган, бироқ у ўзларининг одамларидан эмас балки бошқа ердан келганлар ҳисобланган<sup>48</sup>. Одатда, шунинг учун бўлса керак Ўрта Осиё хунармандчилиги ва халфалар ҳақида ёзадиган этнографлар, тарихчilar ва иқтисодчилар бу ҳақда қўп ўйлашади. Шуниси эътиборлики, нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам ўз касбини оила аъзолари ва шогирдларига мерос қилиб қолдиришган. Хусусан, каштачилик касби оқ фотиха бериш билангина ўтказилган ва кичикроқ зиёfat ҳам берилган<sup>49</sup>.

Уста ўз шогирдига оқ фотиха бераётib, вафотидан кейин унинг руҳи қўллашини айтган. Шогирд усталик мақомига эга бўлгач, топган маблағини бир қисмини бу дунёдан ўтган усталар руҳини шод этиш учун худойи қилиб турган<sup>50</sup>. Шундай қилиб хунармандлар маросимлари орасида шогирднинг усталикка ўтиши алоҳида ўрин тутиб, шогирднинг маълум ҳунар тури билан мустақил шуғулланишида муҳим ўрин тутади. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам аёллар ҳамон каштачилик, тикувчилик, зардўзлик ва бошқа майда ҳунар турларини ўз шогирдларига ўргатиб келишмоқда.

<sup>46</sup> Беленецкий А.М.

<sup>47</sup> Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. ГУ. Москва–Ленинград, 1940. С. 46.

<sup>48</sup> Пешерева Е.М. кўрсатилган асар...44-бет.

<sup>49</sup> Даля ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2010 йил.

<sup>50</sup> Сухарева О.А. Сузани – среднеазиатская декоративная вышивка. Москва. 2006. С. 44.

Қашқадар ё воҳасида ҳам устахонага бағишлиланган маросим фотиҳа бўлган, яъни устознинг шогирдига берадиган дуоси ҳисобланади. Иккинчи маросим *камарбандон* деб номланиб, бу маросимда белбоғ тақиши ҳисобланади. Фотиҳани ташқаридан келган шогирд ўз отасидан эмас, балки ҳунар ўргатган устозидан олган. Бундан кейин эса фотиҳа олган шогирд ўз иш фаолиятини халфадек давом эттирган. Устози эса унга ўзини тутиб кетиши учун анча ёрдам берган ва у бирданига уста бўлиб ишлай олмаган. Шериклар ёрдамида устачилик ишларини олиб борган. Бу қоида фақатгина четдан келганларга хос бўлиб, ўз шаҳридан чиққан устазода фотиҳа олгандан кейин ҳеч қачон халфа бўлиб ишламаган. Фақат шерик сифатида иш олиб борган. Ўз шаҳридан кетгандан кейин эса у халфадек иш юритган. Шунинг учун ҳам халфаларни фотиҳа олиб уста бўлиб чиққан. Аммо мустақил иш юритиш учун ҳали қуввати етмаганларни аташади.

Халфа билан камарбандонлар орасида, деярли фарқ бўлмаган. Қачонки икки маро-сим ўтказилиб, устозидан ажраб чиққан шогирд ўзи алоҳида устахона очиб мустақил иш юри-тиши мумкин бўлган. Шундагина у ўз устозлари билан бир қаторда ўтириб ўтган кетгандарни эслашган. Чунки, уни катта боболарни дуосини олган ва камар бойлаган деб аташади. Унинг ўзи ҳам бир-иккита шогирд чиқариши лозим бўлганлиги учун ҳам *paxta силар* маросими ўтказилган, яъни улар усталар меросига содиқ қолиш учун. Бу маросимни ўтказилишидан мақсад, у қўпроқ ҳунар, дастгоҳ, кулолчилик ўчоқлари ёки чармчилардошқозонлари пири, руҳлари билан боғлиқ бўлиб, улар одамни “ушлаб қолиши” ёки “уриши” туфайли устахона ва унинг атрофида киши касалга чалиниб қолса деб ўлашган. Шу сабаб ҳам касалликка чалингандар тез-тез фолбинларга фол (пол - киши тақдирини олдиндан башорат қилиш - С.Д.) очириш учун ва касаллик тарихини билиш учун бориб туришган. Агар фолчи унга “сизни чармгарни пири ушлади” деса, у тезда бир сиқим пахта олиб устозларидан бирига мурожаат қилган. У борган одам устазода бўлмаса, у уни мен устазода эмасман, бошқа кишиникига боринг деб усталарнига юборади. Ва уста уни олиб борган пахта билан силаб, ўқиб қўядива пахтасини қайтариб беради. Касал одам пахтани уйига олиб келади ва бир неча кун устахонага қурбонликлар (ёғда қовурилган ислар, чалпаклар) ва пахтадан қилингандироқ пиликлар (улар ҳам ёғ билан ҳўлланади) олиб боради. Чалпакларни ўша пайтда устахонада қайси усталар бўлса еган ва мойли пиликлар ёқилиб, ундан таралган ҳидга ҳунар руҳлари, пирлари озиқланган деб эътиқод қилинган.

Айрим усталар ўз шогирдлари учун талаблар ҳам ишлаб чиққанлар. Шогирдларидан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъкул ишларга қўл урмасликни, устозни рухсатисиз бирон ножӯя иш қилмасликни қатъий талаб қилганлар. Негаки ҳар бир ҳунарни ўрганиш ўта нозик дид, сабр- қаноат талаб қилган. Таълим муддатини ўтаган шогирд устозидан “оқ фотиҳа” олган. Шогирд уйига қайтишнинг ўзи бир маросим бўлган. Уни касб-ҳунар ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деб “арвоҳи пир” маросими ўтказишган. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, уюшма аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилган. Устоз шогирдининг белига белбоғ боғлаб, мустақил иш бошлашга ижозат берган. Маросим кунида устозга бош-оёқ сарпо, тугун инъом қилинган. Бу тугунлардан бобо, оқсоқол ва пойкор ҳам қурук қолмаган. Борди-ю “оқ фотиҳа” олган шогирд иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устози уйида қолиб ишлашни сўраган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш хуқуки берилиб, ҳар иккала томон ана шу шарт асосида иш хақини келишиб олган. Усто томонидан ўз шогирдига фотиҳа бериш маросимида, аждодлар руҳига миннатдорчилик билдириш кўринишида яққол намоён бўлади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг ҳар бир соҳасида ҳунарнинг муқаддас ҳисобланиши ва авлоддан

– авлодга ўтиб келиши (айниңса, зардўзлик ҳунари) маросимини ҳам аждодлар қулти билан боғлашимиз мүмкин. Бухоро усталарининг зардўзлик касбини ўғил отадан ўрганиб ва у фарзандларига ҳам ўргатган<sup>51</sup>. Ўғли йўқ оталар бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатганлар. Зардўзлик касбини ўрганиш учун 10-12, айрим ҳоллардагина ундан каттароқ ёшдаги болаларни жалб этганлар. Болани уста олдига олиб бориш ўзига хос тантана бўлган. Боланинг ота-онаси ва қариндош- уруғлари бўй деган бўғирсоқ, ҳолвайтар қилиб, устанинг ҳузурига келганлар ва “боланинг эти сизники, суюги бизники”, қабилидаги гаплар билан устага топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда тановул этилган. Уста болага ҳунар ўргатиш билан бирга бутун ўқиши давомида уни озиқ-овқат билан ҳам таъминлаб турган. Иккала келишувчи томонлар ўртасида ёзма шартномалар бўлмаган. Касб- ҳунар бепул ўргатилган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирдан бошлавермаган. Дастребки пайтларда шогирд уй юмушларига қарашган, устахонани супуриб сидиришган, сув ташиган, бозор-учар қилган, орадан бир йил ёки ундан сал кўпроқ муддат ўтганда унга тикиш сирлари ўргатила бошлаган. Шогирдга маблағ тўплаш борасида маълум қоида бўлмаган. Ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган, бордию шогирд ўта қобилиятили чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан маҳрум бўлишни истамаган устоз уни 8-10 йилгача ҳам сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ руҳсат беришини сўратган. Бордию шогирдни талаби хақ бўлса, оқсоқол устадан шогирдига оқ фотиҳа беришни сўраган ёки бўлмаса меҳнатига яраша хақ тўлаши лозимлигини айтган. Албатта, шогирдига тўланадиган ҳақ ҳалфаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган. Норозилик туғилмаслиги учун уста қисқа вақт ичидан зардўзлик сирларини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдларини ахён- ахёнда четдан иш олишига монелик қилмаган. Гап шундаки, тушган даромаднинг каттагина қисми устага ундан ортгани шогирдига қолган.

Разгадовский В. нинг берган маълумотига кўра, кулолчиликда шогирдликка олиш 17-20 ёшдан бошланади<sup>52</sup>. Фикримизча, бу маълумот бироз муболағалидир. Чунки, кулолчиликда бугунги кунда ҳам шогирдликка олиш ёшлиқдан, яъни бола ақлини танигандан ҳунар ўрганиши шарт қоида асосида ёшлиқдан ўргатилади. Баъзи ҳолларда авлоддан-авлодга ўтадиган ҳолларда кичиклигидан ҳунар ўргатилади. Чунки, бунда бир ёш чегарасини танлаш ғоятда ноўриндир.

Ҳунармандчиликнинг барча турларида ҳунар отадан болага мерос қолдирилган ва уни давом эттираслик гуноҳ ҳисобланган. Ҳалқона қарашларга кўра, ота ҳунари давом эттирилмаган уйда пирлар чироқсиз қолган. Шунинг учун ўғил фарзанди бўлмаган уста қизини энг яхши шогирдига турмушга берган ва уни ўз ўғли сифатида кўрган<sup>53</sup>.

Бундан ташқари, ҳунармандчиликда усталар меросига содик қолиши учун *пахта силар* маросими ҳам ўтказилган. Бу маросимни ўтказилишидан мақсад, у кўпроқ ҳунар, дастроҳ, кулолчилик ўчоқлари ёки чармчилар дошқозонлари пири, руҳлари билан боғлиқ бўлиб, улар одамни “ушлаб қолиши” ёки “уриши” туфайли устахона ва унинг атрофида киши касалга чалиниб қолса деб ўйлашган. Шу сабаб ҳам касалликка чалингандар тез-тез фолбинларга фол (пол - киши тақдирини олдиндан башорат қилиш - С.Д.) очириш учун ва касаллик тарихини билиш учун бориб туришган. Агар фолчи унга “сизни чармгарни пири ушлади” деса, у тезда бир сиким пахта олиб устозларидан

<sup>51</sup> Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. Т.: F.Гулом., 1986. 82 - бет.

<sup>52</sup> Разгадовский В.К. Исследование гончарного и некотор....- № 6. - С. 641.

<sup>53</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани. 2007 йил.

бирига мурожаат қилган. Касал борган одам устазода бўлмаса, у унга мен устазода эмасман, бошқа кишиникига боринг деб усталарниги юборади. Ва уста уни олиб борган пахта билан силаб, ўқиб қўяди ва пахтасини қайтариб беради. Касал одам пахтани уйига олиб келади ва бир неча кун устахонага қурбонликлар(ёғда қовурилган ислар, чалпаклар) ва пахтадан қилинган чироқ пиликлар (улар ҳам ёғ билан хўлланади) олиб боради. Чалпакларни ўша пайтда устахонада қайси усталар бўлса ейишган ва мойли пиликлар ёкишиб, ундан таралган ҳидга хунар руҳлари, пирлари озиқланган деб эътиқод ҳам қилинган.

Ёкут темирчиларида агар 23 йил ишлаганларидан сўнг қўл ва оёқларида қадоқлар пайдо бўлса ёки бели оғриса, бу унинг аждодидан темирчи ўтганлигини, у аждодлари хунари билан яхши шуғулланмаётганлигини билдирган<sup>54</sup>. Шунинг учун ҳам уларда аждодлари хунари билан шуғулланмаган темирчилар оғриб қолади деган ақида ҳозиргача мавжуд экан. Шундай ҳолатда темирчи уч ёшли қора буқани қурбонлик килиш учун шомонга келтириб бериши керак бўлган. Тадбирлардан сўнг касаллик чекинади ва темирчи ҳақиқий уста бўлиб қолади деб тушунилган<sup>55</sup>.

Темирчиларга азалдан сеҳржоду, азайимхонлик, табиблик билан шуғулланади деб қаралган. Е.М.Пешерованинг маълумот беришича, темирчилар устахонасига кўп bemорлар келишган ва улар иш жараёнида ҳам иштирок этишган. Беморлар ўзлари билан қўзачада қайнаган сув олиб келишган. Уста бу сувга чўғ бўлиб турган металл парчасини ташлаган. Чунки, кумуш ионлари сувдаги бактерияларни заарсизлантирган. Бу сувни ичган bemор тузалиб кетган<sup>56</sup>. Мисгарлар тўғрисидаги рисолаларда ҳам бундай маълумотлар учрайди<sup>57</sup>. Бухоронинг темирчилик хунармандчилиги музеида сақланаётган “Рисолаи оҳангари ва мисгари”(темирчилик ва мискарлик рисоласи)да тажрибали темирчилар ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари “Оятал курси” сурасини уч марта ўқиб, ушбу муолижаларни бажаришган<sup>58</sup>. Бухорода ҳозир ҳам темирчилар қадим табибларнинг бу усулидан фойдаланиб bemорларни даволайдилар.

Энди Ўзбекистонда хунармандчилик билан боғлик урфодатларга кўра, келин куёвнинг уйига ипақдан тикилган кашта безакларини сеп сифатида олиб боришган<sup>59</sup> ва ҳар бир келиннинг сарпосида албатта кашта маҳсулотлари бўлиши шарт бўлган. Ва бу одат ҳозиргача барча қатламдаги аҳоли орасида сақланиб қолган. Бундан мақсад, келинкуёвларнинг фаровон турмушга эришиши, баҳтли ва totuv яшашларига ишорадир. Қолаверса, келин сарпосида ҳам куёв учун совға сифатида алоҳида каштали дўппи ва белбоғ тайёрлаганлар<sup>60</sup>. Шунингдек, Тошкентнинг айрим жойларида келинни куёвникига олиб боришда келинни бошида сўзана ёпишиб олиб боришган бўлса<sup>61</sup>, қизнинг уйига совчи келганда эса хонадон эгалари розилиги сифатида совчилар дастурхонига қизи тиккан кашталардан намуналар солиб қайтаришган<sup>62</sup>. Бундай одат

<sup>54</sup> Докторов П.И. Ремесло и кустарное производство якутов (История и современность). Якутск: Якутский государственный университет, 1999. С. 49-51.

<sup>55</sup> Ўша ерда. 4951 бетлар.

<sup>56</sup> Пещерова Е.М. Organizations of craftsmen in Central Asia in the late XIX th and early XX th centuries // Труды XXУ Международного конгресса востоковедов 9-16 августа 1960. Москва, 1963. Т. III.

<sup>57</sup> Рисола медников // Туркестанская туземная газета. Ташкент. 1902, №29.

<sup>58</sup> Агаджанова Д. Бухоро темирчилик хунармандчилиги / San'at. 2008. №1.19бет.

<sup>59</sup> Даля ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Шаҳрисабз тумани, Филон қишлоғи. 2010 йил.

<sup>60</sup> Фахретдинова Д.А. Декоративно – прикладное искусство Узбекистана. Т., 1972. С. 21.

<sup>61</sup> Даля ёзувлари. Тошкент шаҳри маҳаллалари 2009 йил.

<sup>62</sup> Даля ёзувлари. Тошкент шаҳри. 2009 йил.

Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ҳозиргача давом этгаётганлиги кузатилади. Чунки, келин-куёв баҳтли яшашлари учун улар бошидан сўзана ёпишиб гўшангага кузатилади. Қолаверса, тўй сарполарида албатта гилам, каштали маҳсулотларнинг бўлиши ҳам шарт бўлган<sup>63</sup>.

Ўрта Осиё хунармандчилигининг ўзига хос ҳусусиятларидан яна бири, бу ҳар бир хунар соҳасининг ҳомийси ҳисобланган ўз пирларига эга бўлишидир. Жумладан, тўқувчиларнинг пири Сиф алайҳи салом, темирчиларники эса Довуд алайҳи салом, жувозчиларнинг пири Хўжа Рўшон ва бошқалар. Пирларга сифиниш хунармандчилик тараққиётида ва хунармандларнинг ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Пирлар асосан, маълум соҳадаги хунармандларни жисплаштириб туришга хизмат қилган. Жумладан, Марказий Осиёда барча кулолларнинг пири Сайд кулол яъни Шамсиддин кулол саналган<sup>64</sup>. Баҳовуддин Нақшбандий эса ўз устахонасига эга бўлмаган, ёлланиб ишлайдиган уста- халфалар ва шогирдларнинг пири ҳисобланган<sup>65</sup>. Олов билан ишловчилар яъни заргарлар, темирчилар, дегрезлар, нонвойлар ва кулолларнинг бир қисми ҳазрати Довудни ўzlарига пир деб билганлар<sup>66</sup>. Игна билан ишловчилар яъни тиқувчилар, зардўзлар, этикдўзларнинг пири Бобо Порадўз ҳисобланган<sup>67</sup>. Бундан ташқари, зардўзлар Ҳазрати Юсуфни ўzlарининг пири деб билганлар. Усталарнинг айтишларича, энг биринчи уста зардўз, энг биринчи устоз, фойиона ҳомий пир Ҳазрати Юсуф бўлган<sup>68</sup>. Қолаверса, хунармандчилик устахоналарида озодаликка риоя этиш, меҳнат қуролларини тартиб билан жойлаштириш, жамоатчилик анъаналарига риоя этиш каби ҳолатлар ҳам бевосита аждодлар култи ва соҳа пири билан боғлиқ ҳисобланади<sup>69</sup>. Тўқимачиликда тўқувчи ва ип йигириувчиларнинг пири яъни бибиси Биби Сешанба бўлган. Баъзи жойларда уни Биби Чоршанба деб атаса, Усмон турклари Биби Пайшанбаи - кори деб атаганлар. Марказий Осиё халқлари афсоналаридаги машҳур Деви Сафед, Биби Сешанба<sup>70</sup>, Амударёнинг юқори оқимида Биби Расонда, Афғонистонда Биби Чархан деб аталган ушбу пирлар яъни бибилар умуман олганда ип йигириувчилар ҳомийси ҳисобланган<sup>71</sup>. Ипакчиларнинг пири Айюб пайғамбар саналган. “Рисолай боғандачилик” ёки “Боғандалик рисоласи” номли тўқувчилик рисоласида келтирилишича, олача тўқиши санъати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро бўлган<sup>72</sup>. Отбоқарларнинг пири Али, дехқонларники эса Бобо Дехқон, чорвадорларники Занги бобо ҳисобланган.

Касаба бошликлари яъни, бобо ёки оқсоқол пирларнинг ердаги акси ёки давомчилари сифатида ҳурмат қилинган. Усталар пирлар хаққига ҳар бир иш бошланмасдан олдин дуо ўқиб, улардан ишига барака ва ҳар хил зиён – заҳматлардан асраш учун мадад тилаган. Бундан ташқари, айрим тадқикотларга кўра уй-жой қурувчиларнинг ҳам пирлари бўлиб, уйнинг тўсинини ёки ёғочини кўтаришда усталарга кескилик ҳаққи

<sup>63</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. 2009 йил.

<sup>64</sup> Жаббаров И.Дресвянская Г. Духи, святые боги Средней Азии.-Т.,1993.с.174

<sup>65</sup> Жаббаров И.кўрсатилган асар...с.179.

<sup>66</sup> Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара....-С.54.

<sup>67</sup> Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии....С.320.; Алимов У.А., Мирзаахмедов Д.К. К истории мавзолея Бобои - Порадўз в Бухаре// История материальной культуры Узбекистана. – Т.,1982.- Вып.ХУII.- С.169.

<sup>68</sup> Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.Б.321.; Гончарова П.А.

<sup>69</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё воҳаси туманлари.2005 йил.

<sup>70</sup> Сулайманов Р.Х. Нахшаб – унитилган тамаддун сирлари.-Т.,2004.-Б.43.

<sup>71</sup> Женщина в мифах и легендах / Состав.Валианская О.П.-Т.,1985.-С.57

<sup>72</sup> Мукминова Р.Г. К характеристики Самарканских тканей конца XV - XУI века// Общественные науки в Узбекистане.1970,№9. С.102.; Ее же. Очерки по истории ремесла...С.53.

берилган<sup>73</sup>. Унга кўра, уста ўзи ишлаб пул топаётган ушбу хунар асосчисининг ҳаққига дуоифотиха қилиб туриши лозим бўлган. Устачиликнинг пири Иброҳим Ҳалиуллоҳ ҳисобланган. Чунки, бу пайғамбар одамлар орасига иморат қурган киши ҳисобланган. Айримлар эса, Нух пайғамбар одамлар орасига энг биринчи бўлиб, ёғочдан қайик ясаган инсон бўлганлиги сабабли уни ёғоч хунармандчилиги пири сифатида тан оладилар<sup>74</sup>.

Заргарлик хунармандчилик турининг ҳар томонлами ривожланиши ва маҳсулотларни юқори санъат даражасига етиши учун усталар ўз хунарларига содиклигини, қадимий анъаналарини давом эттириш, яъни уста-шогирд анъаналари, хунар пирлари, пайғамбарлари, авлиёлари ҳаққига дуолар қилиш учун хунармандчилик рисолаларидан фойдаланишган. Ҳар бир заргар устанинг ўз маҳсулотларини яратиш техникаси ва технологияси маҳсус ҳужжат рисолага асосланган. Заргарларнинг ушбу рисолалари фақатгина хунармандчилик аҳамиятига молик бўлмасдан, балки устахоналарни ривожлантириш билимлари, асбоблари, хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари манбаси ҳам ҳисобланган. Рисолага кўра заргарлик хунарининг пири – Довуд пайғамбар ҳисобланган<sup>75</sup>.

Халқ хунармандчилигининг барча соҳаларида маҳаллий халқнинг урф-одат, маросим, байрам, диний ва дунёвий дунёкараплари билан бевосита боғланган тасвирлар, доимо рамзий оҳангда, етакчи мавзу сифатида талқин этиб келинган ва уларда йил фасллари, урф-одатлар билан боғлиқ маросимларида айтиладиган айтишув, эртак, лапарларидаги асосий қаҳрамон – инсон, табиат ва коинот бўлиб ҳисобланади. Урфодат, маросимларда дастлаб дунёнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш тараннум этилса, даврлар оша улар орасидаги боғлиқлик, аввал диний, кейин фалсафий мушоҳада тарзида намоён бўлади.

Бундай урф-одат ва маросимларни ўрганишдан асосий мақсад ўзбек хунармандчилигининг шаклланиши, тарихий илдизлари, турли даврдаги ижтимоий-иқтисодий омилларининг унга таъсири, ишлаб чиқариш жараёнлари, муносабатлари, анъаналари, табиий ривожланиш жараёни ва трансформацияси каби масалаларни тадқиқ қилишдан ҳам иборатdir.

Ушбу анъаналар хунармандларни асрлар давомида бир – бирига боғлаб жипслаштириб келган. Бугун “Усто - шогирд” мактаблари ташкил қилиниб, миллий хунармандчиликни ривожлантириш максадида ёшларга касб, хунар ўргатиш учун уларни уюшмаларга бирлаштирилмоқда. Уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари Россия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Хиндистон, Япония давлатларида кўргазмаларда кўйилиб, ўз харидорларини топмоқда.

Хунармандчиликнинг халқ амалий санъати даражасига кўтарилишида миллий анъаналарнинг ўз ўрни бор. Бунда асосан анъанавий ва ноанъанавий хунар турларининг замонавийлиги, модернизацияси, қолаверса улар ўртасидаги уйғунлик кўзга ташланади. Чунки анъаналар даврдан даврга ўтиши жараёнида ўзида тўлақонли хусусиятларини сақлаб қола олмайди. Қолаверса, ҳар бир хунарманд ўзи ясаган буюмга ўз дунёкараши, ўзи яшаб турган муҳит нафасини сингдира олиши табиий ҳолдир. Ўтмишдаги

<sup>73</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқининг турар жойлар билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози// О’zbekiston tarixi. 2007. №3. 59-бет.

<sup>74</sup> Ўша ерда. 60-бет.

<sup>75</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Тошкент: Литература и искусство, 1988. С.73.

анъаналарни юзаки ўрганиб бўлмайди. Ундаги фалсафий, маънавий- аҳлоқий, бадиий-эстетик, ижтимоий- тарихий шароитлар ва улардаги диалектик боғланишларни эътиборга олиш лозим.

Мустақиллик шарофати ила ўзбек халқининг тарихий турмуш тарзи, урф-одатлари, қадимий анъаналари, бой миллий ва маънавий қадриятлари, асрлар давомида яратилиб, бизнинг давримизгача етиб келган моддий маданият дурданалари, амалий санъат асарлари, нодир ёзма манбалар, шунингдек халқимизнинг ақл-идроқи ва тафаккури ютуғи ҳисобланмиш хунармандчилик турларини илмий тадқиқ этиш учун имконият туғилди. Қолаверса, хунармандчилик турлари тарихи, ишлаб чиқариш жараёнлари, буюмлар шакллари, безаклари, рангларини билиш, уста-шогирд муносабатлари, анъаналарини ўрганиш янада долзарбdir.

Умуман олганда, ўзбек хунармандчилигидаги маросим ва анъаналарни илмий ўрганишда шундай хулосага келиндики, улар диний-фалсафий қарапшлар билан узвий боғлиқ бўлибгина қолмай, балки ердаги ўсимлик, ҳайвонат олами, диний аҳамият касб этган рамзий тасвирлар ва коинот рамзи, инсон ва табиатнинг зарраси эканлиги ва рух агадийлиги ҳам ифода этилади.